



РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК!
(ҳайит байрамига бағишланган тезис)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Мухтарам жамоат! Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, жонажон юртимизга, барча мўмин мусулмонлар қатори сизу бизларга Рамазон ҳайити байрамини муборак айласин. Бир ой давомида ҳам жисмонан ва ҳам руҳан чиниқиб, сабр ва шукр фазилатларини ўзимизда ҳосил қилиб, бунинг тантанаси ўлароқ Ийд Рамазонни байрам қилмоқдамиз.

Дарҳақиқат, биз Рамазон ойи давомида имон ва ихлос ила кундузлари улуғ рўза ибодатини адо этиш билан бирга тунлари Аллоҳнинг каломи Қуръони каримга сомеъ бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Зеро, имон ва Қуръон Аллоҳ таоло сизу биз мўмин мусулмон бандаларига ато этган энг буюк неъматидир. Қуръони каримда бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

قُلْ بِفَضْلِ اللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِ فَبِذَلِكَ فَلْيَفْرَحُوا هُوَ خَيْرٌ مِمَّا يَجْمَعُونَ

яъни: “**Айтинг: “Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (албатта), шулар сабабли (мўминлар) шодлансинлар! У тўплаган нарса (бойлик)ларидан яхшироқдир”.** (Юнус сураси, 58-оят). Бу оятда Аллоҳнинг икки улуғ неъматидир зикр қилинаётир. Бири – фазлу карами, яъни Ислом дини. Иккинчиси – раҳмати, яъни Қуръони карим. Ҳадиси шарифда айтиладики, кимга Аллоҳ таоло Ислом дини ва Қуръон илмини насиб этган бўлса-ю, у камбағалман деб нолиса, Аллоҳ таоло то қиёмат кунигача унинг икки кўзи ўртасига (пешонасига) фақирлик тамғасини босиб қўяр.

Уламоларимиз айтадиларки, Аллоҳ таолонинг мусулмон бандаларига ушбу улуғ ибодат ва байрамларни жорий қилишида катта ҳикмат бор. Жумладан, мусулмон киши беш вақт намозни жамоат билан ўқиш учун масжидга келар экан яқин қўшни ва маҳалладошларининг аҳволдан бохабар бўлади.

Худди шунингдек, беш вақт намозида кўриша олмайдиган ҳамшаҳар оғайни ва яқинларини жума намозларида учратиб, ундан ҳол-аҳвол сўраб хабардор бўлишади. Энди, йилда икки марта бўладиган ушбу муборак Рамазон ва Қурбон ҳайит намозларида ҳам мўмин-мусулмонлар узоқ яқинлари билан кўришиб, уларнинг ҳолидан хабар олиш имкониятига эга бўладилар. Демак, ҳайит байрами инсонлар ўртасида ўта мукамал ижтимоий алоқаларни жипслаштириш вазифасини бажаради.

Инсон борки ўзини бошқалардан беҳожат ҳис қила олмайди. Шундай экан, бу улуғ кунларда бошқа инсонлардан хабар олиб, мухтожларга қўлдан

келганча ҳам маънан, ҳам моддий кўмак бериб, уларнинг кўнгилларига ҳам хурсандчилик ва байрамона кайфият киритиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ҳақиқий мусулмоннинг наздида инсонларга манфаат бериб яшалган умр мазмунли, самарали ва гўзал умр ҳисобланади.

Шу туфайли ҳам Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ ، أَنَّ رَجُلًا جَاءَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ : " يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَيُّ النَّاسِ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ ؟ وَأَيُّ الْأَعْمَالِ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ ، وَأَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ سُرُورٌ تُدْخِلُهُ عَلَى مُسْلِمٍ ، أَوْ تَكْشِفُ عَنْهُ كُرْبَةً ، أَوْ تَطْرُدُ عَنْهُ جُوعًا ، أَوْ تَقْضِي عَنْهُ دَيْنًا ، وَلَأَنْ أَمْشِيَ مَعَ أَخٍ لِي فِي حَاجَةٍ ، أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَنْ أَعْتَكِفَ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ يَعْنِي مَسْجِدَ الْمَدِينَةِ شَهْرًا ، وَمَنْ كَفَّ غَضَبَهُ سَتَرَ اللَّهُ عَوْرَتَهُ ، وَمَنْ كَتَمَ غَيْظَهُ ، وَلَوْ شَاءَ أَنْ يُمِضِيَهُ أَمْضَاهُ مَلَأَ اللَّهُ قَلْبَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ رِضًا ، وَمَنْ مَشَى مَعَ أَخِيهِ فِي حَاجَةٍ حَتَّى يُشْبِتَهَا ، أَثَبَّتَ اللَّهُ قَدَمَيْهِ يَوْمَ تَزُولُ الْأَقْدَامُ " .

яъни: “Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: *“Эй Аллоҳнинг Расули, қайси инсон Аллоҳга суюклироқдир ва қайси амал Аллоҳ азза ва жаллага маҳбуброқдир? деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Инсонлардан Аллоҳга энг суюклиси инсонларга кўп наф берадиганидир. Аллоҳга энг маҳбубли амал мусулмон қалбига киритилган хурсандчилик, у мусулмондан бирор гам-ташвишини кетказиш, оч бўлганда тўйгазиш, қарздор қарзини узишда кўмаклашишидир. Аллоҳга қасамки, мен бирор дўстимнинг ҳождатини раво қилиш учун у билан юришим мен учун ушбу масжидда бир ой эътикоф ўтиришимдан маҳбуброқдир, яъни Мадина масжидида. Кимки ўз газабини тийса Аллоҳ унинг авратини сатр қилади. Кимки ўз қаҳрини бажариш имкони бўлганда ичига ютса Аллоҳ қиёмат куни унинг қалбини розилик билан тўлдиради. Ким биродарининг бирор ҳождатини чиқаришда қарор топгунича бирга юрса қадамлар тойиладиган қиёмат кунинда қадамларини собит қилади», - деб айтганлар. Эътибор берсангиз Пайғамбаримиз с.а.в. ушбу ҳадиси шарифда энг савобли ва Аллоҳга маҳбуб амалларни зикр қилиб ўтдилар. Айна пайтда энг савобли ишларни энг фазилятли кунларда амалга ошириш унинг савобини янада орттиришига сабаб бўлади. Бу борада Аллоҳ таоло бизларга қуйидагиларни марҳамат қилиб айтади:*

مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلَ فِي كُلِّ سُنبُلَةٍ مِثَّةٌ حَبَّةٍ
وَاللَّهُ يُضَاعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٦١﴾ (سورة البقرة/261)

яъни: “Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир”. (Бақара сураси, 261-оят).

Шунингдек, бу каби хайрли ва савобли ишларни қилишимиз билан Аллоҳ таолонинг даргоҳида улуғ ажру мукофотларга сазовор бўлишимиз билан бирга ўз инсонийлик бурчимизни ҳам адо этган бўламиз.

Ушбу муборак ҳайит кунларида яқинларимизнинг ҳолидан хабар олиш билан бирга атрофимиздаги шикаста кўнгил кишиларни зиёрат қилиш, уларга хайру саховат улашишнинг ҳам ажру мукофоти улуғ эканлиги борасида Аллоҳ таоло қуйидагиларни таъкидлаб айтади:

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلِلَّوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ
وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴿سورة البقرة/215﴾

яъни: “Сиздан (эй, Муҳаммад,) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: “Ниманики хайр-эҳсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар! Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб турувчидир”. (Бақара сураси, 215-оят).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: “*Беморларни зиёрат қилинглар, очларга таом беринглар, қарздорларга қарзларини узишга ёрдам беринглар*” (Имом Бухорий ривояти). Бемор ва касалманд киши ҳақиқа қилинадиган дуо борасида Пайғамбаримиздан қуйидагича ҳадис ворид бўлган.

عن النبي صلى الله عليه وسلم من قوله للمريض: "لَا بَأْسَ ، طَهَّرْ إِنْ شَاءَ اللَّهُ"
(رواه البخاري).

яъни: “*Беморга айтиладиган сўзларидан: “Ҳечқиси йўқ, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади*”, - деб айтиш (Имом Бухорий ривояти). Шу каби сўзлар билан беморларнинг кўнглига хурсандчилик киритиш исломдаги эзгу амаллардан ҳисобланади.

Муҳтарам жамоат! Рамазон оyi юртимизда аҳил-иноқликда кўтаринки руҳ билан ўтказилди. Юртдошларимиз савоб ишларнинг бошини тутиб, меҳр-мурувват кўрсатдилар, кексаларнинг ҳолидан хабар олдилар, эзгу ишларда бардавом бўлдилар. Энди ушбу анъанани ва касб этган хайрли амалларимизни йил бўйи давом эттиришимиз керак. Мана куни кеча муҳтарам Президентимизнинг “Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарор халқимизнинг кайфиятига янада кўтаринкилик бағишлади.

Рамазон ойини қандай ихлос, ғайрат ва сабр билан ўтказган бўлсак, бу байрамни ҳам ундан-да аълороқ, ундан-да фойзлироқ қилиб ўтказишимиз керак. Бу байрамнинг биринчи кунини дам олиш куни, деб эълон қилиниши унинг фойзини, шарафини, тароватини янада ошириб юборади. Ҳайитнинг

мазмун-моҳиятида кўнгилларга хушнудлик, севинч, жисмга роҳат бағишлаш, дўстлар, яқинлар ўртасида муҳаббат, қариндошлар, қардошлар орасида меҳр ришталарини янгилаш, кишиларни бир-бирларига ёрдам ва саховат кўрсатишга чорлаш мужассамдир. Ночор ва заифларнинг, муҳтож ва кам таъминланганларнинг жамият зиммасидаги ҳақларини ёдга туширишдир. Ҳайит қувончлари, байрам хурсандчиликлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага кириб бориши учун айнан шу кунларда фитр садақасини бериш, закот ва бошқа садақа, хайр-эҳсонларни тарқатиш давлатманд кишиларга вожиб бўлади.

Одатда байрамларда жамият ахлоқи, истак ва майллари, урф-одатлари ҳар қачонгидан қалқиб, бўртиб кўринади. Шу боис, Рамазон ойи давомида бўлгани каби ҳайит арафасида ҳам меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам, саховат ва ҳаё, етим ва ҳожатмандлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни қадрлаш ва ҳурматларини жойига қўиш, ота-оналарга ҳар қачонгидан кўра эътибор кўрсатиш, умуман инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни янада кучайтириш талаб этилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўзларининг ҳадиси шарифларида марҳамат қилганлар:

"السَّاعِي عَلَى الْأَرْمَلَةِ وَالْمَسْكِينِ كَالْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ الْقَائِمِ اللَّيْلِ
الصَّائِمِ النَّهَارِ" (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ).

яъни: "Бева ва мискинга гамхўрлик қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида сабъ-ҳаракат қилувчи қилувчи ёки кечалари тоат-ибодат қилиб, кундузлари рўза тутувчи киши кабидир". (Муттафақун алайҳ).

Ҳақ таолога беадад шукроналар бўлсинки, юртимизда тинчлик осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу тинчликнинг қадрига етмоғимиз, уни асраб авайлаш учун ҳар биримиз ҳаракат қилмоғимиз лозим. Чунки бу доруломон кунларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Мана шу ҳақиқатни ҳар биримиз теран англамоғимиз, уни ўсиб келаётган ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўлида барчамиз ҳамкор ва ҳамжиҳатликда астойдил ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Азиз жамоат! Хабарингиз бор, июнь ойида Тошкент шаҳрида диний соҳа ходимларининг катта анжумани бўлиб ўтди. Йиғилишда ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, атрофлича суҳбат қилинди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда фуқароларнинг шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғусини оширадиган, соғлом эътиқодни кучайтиришга рағбат қиладиган жуда кўп савобли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида 300 дан зиёд чора-тадбир белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси учун 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари

миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Дастур доирасида 2017 йилда қишлоқ жойларда 15 мингта янги намунадаги арзон, уй-жойлар барпо этилади.

Термиз шаҳрида Имом Термизий номидаги, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий номидаги илмий-тадқиқот марказлари, Тошкентнинг қадимий Ҳастимом даҳасида Ўзбекистон ислом маданияти марказининг ташкил этилаётгани халқимиз учун мисли кўрилмаган катта хурсандчилик бўлди. Комили ишонч билан айталикки, ушбу ислом масканлари, ҳеч шубҳасиз, динимизни маърифий асосда ўрганиш ва тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, буюк аждодларимиз анъаналарига садоқат, ҳалоллик, поклик, маънавий-ахлоқий баркамоллик руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Рамазон ойида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида буюк аждодимиз, муҳаддис Имом Термизий мақбараси мисли кўрилмаган муҳташам тарзда таъмирланиб, янги бунёд этилган масжид билан диндорларимизга тақдим этилиши умматимиз қалбини ифтихорга тўлдирди.

Яратганга шукрлар бўлсинки, она заминимиз Аллоҳнинг раҳмати ёғилган, неки дуо қилинса, Парвардигор хузурида мустажоб бўладиган мўътабар замин, азиз-авлиёлар хоки қўним топган юртдир.

Аллоҳ таоло шу мўътабар диёрга Ўзининг азиз неъматлари – тинчлик, осойишталикни берди, қут-барақа, фаровонликни ато этди. Атрофга назар солсақ, бизни ўраб турган сонсиз, саноксиз неъматлар қуршовида яшаётганимизга амин бўламиз. Яратган Раббимиз ўз неъматларининг саноксизлигига эслатиш орқали инсонни шукр қилишга ундаган ушбу ояти карима фикримиз далилидир:

وَأَتَاكُمْ مِنْ كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا

яъни: “Сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмайсизлар”. (Иброҳим сураси, 34-оят), деб марҳамат қилади.

Бизлар бу берилган неъматларнинг қадрига етиб, динимиз ривожига кўрсатилаётган шароит ва ғамхўрликларни Аллоҳнинг улуғ марҳамати деб қабул қилишимиз, бунинг шукронасини ҳамиша адо этишимиз лозим.

Айниқса, ёшларимизни турли мутаассиб кучларнинг таъсирига берилиб қолмасликларини таъминлаш ҳамда уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, энг асосийси, билимли қилиб ўстиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрлигимизни ошириш барча мўмин-мусулмонларимизнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Муҳтарам юртбошимизнинг ўртага ташлаган “Ўз болангни ўзинг асра!” шiorларини дастуруламал қилган ҳолда, фарзандларимизга биргаликда тўғри тарбия бериб, келажаклари учун қайғуриб яшайлик.

Азизлар! Ҳар ҳайит арафасида қайта-қайта такрорланадиган яна бир гапни эслатиб ўтмоқчимиз: ҳайит – баъзи жойларда бўлаётганидай азахонлик, таъзияхонлик маросими эмас. Балки хурсандчилик, яхши кайфият

ва эзгу ишлар, фазилатли ой рўзасини эсон-омон, соғ-саломат тутиб олганимиз учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва шукроналар изҳор этиш рамзидир. Шу кун янги вафот этган кишилар хонадонига бориб, уларнинг мусибатини қайта эсларига солиш ўрнига бу куннинг шукрини адо этиш, ушбу шодиёна кунга ҳамамизга ардоқли ота-оналаримиз, қавм-қариндошларимиз, улуғларимиз зиёратига бориб уларнинг дуоларини олиш, бетоб, муҳтож, диндошларимиз, умуман барча инсонлар ҳолидан хабардор бўлиш, ёрдамга муҳтож кишиларга кўлидан келганича хайр-саховат кўрсатиш, бир-бирларимизни ҳайит билан муборакбод этиш, эски гинакудуратларни унутиб, силаи раҳмни ва инсоний муносабатларни тиклаб олиш ва шу тариқа Аллоҳ таолонинг раҳмат ва мағфиратига сазовор бўлиб олиш ҳар бир мусулмоннинг байрам кунларидаги энг муҳим вазифаларидан саналади.

Аллоҳ таоло Рамазон ҳайитини барчаларимизга муборак айласин!

Ҳақ таоло байрамнинг шарофатидан мустақил ватанимиз равнақи, халқимизнинг аҳил-иноқлиги, бирдамлиги, ҳамжихатлиги янада мустаҳкам бўлишини насиб айласин!

Фарзандларимизни илмлик, имонлик қилсин!

Бу тинчлик, осойишталик йўлида саъю ҳаракат қилаётган барчани Аллоҳ таоло эзгу мақсадларидан афзалига муваффақ қилсин!

Юртимизни ёмон кўзлардан Парвардигорнинг ўзи асрасин!

Муҳтарам Юртбошимизнинг эл-юрт равнақи, бахт-саодати йўлида олиб бораётган хайрли ва савобли ишларида Аллоҳ таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

Рамазон ҳайити намозининг савобидан ҳаммамизни баҳраманд айлаб, бу байрам баракотидан барча мўмин-мусулмонларнинг гуноҳларини мағфират айлаб, даражотларини юқорига кўтариб, икки дунё саодатига мушарраф қилсин! Омин!